

Шайх Анвар Авлакий (роҳимаҳуллоҳ)

Мўминлар учун

Аллоҳнинг 25 ваъдаси

Sodiqlar.info

Мақола номи: Аллоҳнинг мўминлар учун 25 ваъдаси

Муаллиф: Шайх Анвар Авлақий (роҳимаҳуллоҳ)

**Таржимонлар: Муслим Бухорий (инглиз тилидан),
Муслим Тошкандий (рус тилидан)**

Мусаҳҳиҳ ва жамловчи: Sodiqlar таҳририяти

Муқаддима

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи ила

Росуллоҳга, у кишининг аҳли оилалари, асҳобларига ва то қиёмат уларга эргашувчиларга салом ва салавотлар бўлсин.

Аллоҳнинг сабрли, тақводор ёки шукр қилувчи кишиларга яна бошқа ваъдалари ҳам бўлиши мумкин, лекин қуйидаги 25 ваъда мўминлар учундир.

Шуни ёдда тутиш лозимки, Аллоҳ бирор нарсани ваъда қиладиган бўлса, уни маълум қилади ва ўша нарса албатта амалга ошади. Чунки Аллоҳ таоло шундай деган:

"(Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир! Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмас". (Зумар: 20)

Шунингдек бошқа бир оятда:

"(Бу) Аллоҳнинг ҳақ ваъдасидир. У қудрат ва ҳикмат эгасидир". (Луқмон: 9)

Шунинг учун кимда ким ҳозир ёки келажакдаги ҳаётида бу ваъдалар рўёбга чиқаётганини кўрмаса, Аллоҳнинг ваъдасини эмас, балки яхшиси ўзининг иймонини текширмоғи даркор. Муаммо Аллоҳнинг ваъдасида эмас, балки иймондадир.

1-ваъда: Жаннат

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга хушxabар беринги, улар учун остларидан дарёлар оқиб турувчи боғлар бор. Қачон ўша боғларнинг бирор мевасидан баҳраманд бўлсалар, «Илгари татиб кўрган нарсамиз -ку», дейишади. Зеро уларга сурати бир-бирига ўхшаш мевалар берилади. Ва улар учун жаннатда покиза жуфтлар бордир. У зотлар жаннатда абадий қолажаклар". (Бақара: 25)

Аллоҳ томонидан берилган мана шу ваъданинг ўзи етарлидир. Жаннат ваъдаси улуғлиги ва биз лойиқ бўлгандан ортиқ эканлиги сабабли қолган 24 ваъда ҳақида ўйламасак ҳам бўлади. Жаннатда кўз кўриб қулоқ эшитмаган, киши хаёлига келмайдиган ҳамда тил билан тасвирлаб бўлмайдиган ноз-неъматлар бор.

Бироқ уларга муносиб бўлмоқ керак, чунки Аллоҳнинг неъматини – жаннат арзон эмас.

2-ваъда: Нур

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Мўмин ва мўминаларнинг олдиларида ва ўнг томонларида нурлари (яъни қилган яхши амаллари ва номаи аъмоллари йўлларини ёритиб) кетаётганини кўрадиган Кунни (эсланг)! (Ўша Кунда уларга дейилур): «Сизлар учун Бугунги хушхабар — остидан дарёлар оқиб турадиган, (сизлар) мангу қоладиган жаннатлардир. Бу улуг бахтнинг ўзидир !»" (Ҳадид: 12)

Қиёмат кунда инсониятни зулмат қамраб олади ва биздан соч толасидан ингичка, устара тиғидан ўткир кўприкни кесиб ўтиш сўралади. Шунинг учун токи Аллоҳ томонидан бизга нур-ёруғлик берилмагунича бунинг имкони йўқ. Аллоҳнинг бизга берадиган нури, бу ҳаёти дунёдаги қалбларимизнинг нурига боғлиқ бўлади. Қалбимиздаги нур моддий эмас балки маънавий саналади. Қиёмат кунда эса бу нур қалбдаги иймоннинг даражасига боғлиқ равишда моддий кўриниш олади. Баъзи одамларда бу нур шунчалик кўп бўладики, кўприқдан шамол каби ўтиб кетадилар. Баъзилар югурадилар. Баъзилар эса юрадилар. Баъзиларда бу нур гоҳ ёниб, гоҳ ўчганидан бир қадам ташлайдиларда нур қайтиб келгунича тўхтаб турадилар. Шундайлари ҳам бўладики,

бошлайдилар-у ёруғлик етарли эмаслигидан кўприк охиригача ета олмайдилар.

3-ваъда: Аллоҳ мўминлар билан биргадир

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Албатта, Аллоҳ мўминлар билан биргадир". (Анфол: 19)

Аллоҳ таоло "Аллоҳ мўминлар билан биргадир" - деб айтаяпти. Бу шуни англатадики мўминлар бошқа ҳеч кимга муҳтож эмаслар. Росулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам шундай деганлар:

"Аллоҳни ёдда тут, У сени ҳимоя қилади. Аллоҳни ёдда тут, шунда У зотни рўпарангда топасан".

Аллоҳ қилаётган ишларимиз ва амалларимизга қараб биз билан бирга бўлади ва бизга ёрдам беради.

4-ваъда: Аллоҳнинг марҳамати ва фазли

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Аллоҳ иймон эгаларига фазлу марҳамат соҳиби бўлган Зотдир". (Оли Имрон: 152)

Аллоҳнинг фазли кенг. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бизга лойиқ бўлганимиздан кўра кўпроқ марҳамат эгаси. Қачон

Бўлса ҳам Аллоҳдан бирор нима сўрасак, У зот бизга ортиғи билан беради. Бу Аллоҳ таолонинг мўминлар учун раҳмати ва фазли ҳисобланади.

5-ваъда: Аллоҳнинг дўстлиги ва ҳимояси

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Одамларнинг Иброҳимга яқинроғи унинг йўлига эргашган зотлар, мана бу пайғамбар (Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва иймон келтирган кишилардир. Аллоҳ мўминларнинг дўстидир". (Оли Имрон: 68)

Валий - "дўст", "ҳимоячи" деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло ўзини мўминларга Валий (дўст, ҳимоячи) деб айтаяпти. Шундай экан мўминлар ҳам Аллоҳдан ўзга ҳеч кимга муҳтож эмаслар. Чунки агар Аллоҳ сенга ҳимоячи ва дўст бўлса, яна кимга ҳам эҳтиёж сезишинг мумкин?! Аллоҳу Акбар!

6-ваъда: Аллоҳнинг раҳмати

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Бас, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга келсак, уларни Парвардигор Ўз раҳмати-жаннатига дохил қилур. Бу очиқ бахтнинг ўзидир!" (Жосия: 30)

Аллоҳ - Ар-Раҳим, яъни раҳмли Зот. Инсон ҳам раҳмдил бўлиши мумкин. Бироқ Аллоҳнинг раҳмлилиги мутлақ ўзгача поғонада. Аллоҳнинг раҳмати унинг улуғлиги билан мутаносиб.

Қачонки Аллоҳ мўминларни ўз раҳматига олганини маълум этса, - бу "энг юксак марҳамат"ни англатади.

Росулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар:

"Бирор кимса Аллоҳнинг раҳматисиз жаннатга кира олмайди".

7-ваъда: Ғалаба

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Албатта Биз пайғамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган Кунда (қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз". (Ғофир: 51)

Аллоҳ таоло яна шундай марҳамат қилади:

"Ва иймон келтирган зотларни ёлиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган". (Рум: 47)

Қачонки Биз ўз эътиқодимизни тўғриласак, шунда Аллоҳ бизга нусрат беради. Бундан ташқари биз сабрли ҳам бўлмоғимиз лозим. Чунки мўминлар Аллоҳнинг нусрати келгунича, кўплаб имтиҳонларга дуч келдилар. Умар (розияллоҳу анҳу) саҳобалардан сўрадилар: "Қандай азиятларга учрагансиз?" Саҳобалардан бири ўрнидан турди ва ридосини кўтариб белини у зотга кўрсатди. Умар (розияллоҳу анҳу) дедилар: "Мен бунга ўхшаш белни олдин ҳеч кўрмаганман. Сенга нима бўлган?" Саҳобий (розияллоҳу анҳу) жавоб берди:

“Қурайш мушриклари олов билан тошларни узоқ муддат қизитишар, ундан сўнг эса яланғочланган белим билан мени ўша қиздирилган тош устига ирғитар эдилар. Ҳаттоки баданимдаги куйган гўшт исини сезар эдим”. Шу сабабли бу саҳобанинг белида бир қанча чуқур қора чандиқлар қолганди.

Хўш бизларчи? Биз қандай синовларга учрадик? Бизнинг умримиз қийинчиликсиз-шинам ҳаётда ўтяпти. Саҳобалар учраган ва шунингдек бугунги кундаги баъзи мусулмонлар дучор бўлаётган нарсаларга қиёслаганимизда, биз ҳеч қандай имтиҳонга дуч келмабмиз.

Аллоҳнинг нусрати яқин. Бу Аллоҳнинг ваъдаси. Агар бизнинг ҳаётимизда юз бермаса, фарзандларимиз ҳаётида юз беради. Лекин ғалаба албатта келади.

8-ваъда: Аллоҳ гуноҳларини ўчиради

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларнинг ёмонликларини (яъни аввал қилган гуноҳларини) шакшубҳасиз ўчирурмиз ва албатта уларни қилиб ўтган энг чиройли амаллари билан мукофотлармиз". (Анкабут: 7)

Жаннат покиза жойдир. Шунинг учун ҳам унга покиза бўлган одамларгина киради. Жаннат билан нопоклик - бир бирига номутаносиб нарсалар. Гуноҳсиз одам бўлмайди. Барчамизда гуноҳ бор. Шундай экан, қандай қилиб бу гуноҳларимиздан покланишимиз мумкин? Аллоҳ мўминларга уларни гуноҳлардан поклашини ваъда қилади. Бу покланиш қўйидаги йўллар орқали оширилади:

Тавба, Истиғфор, ва агар қийинчиликлар, имтиҳонлар, азиятлар, сабр ва шу каби ёқимсиз ҳолатлар билан ўтказилса касалликлар ҳам гуноҳларни кетказади.

Муҳими покланиш жараёнининг бўлиши. Шундай одамлар борки, Аллоҳ уларни жуда ҳам яхши кўради. Аллоҳ уларга ўз илтифотини кўрсатишни хоҳлайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ уларнинг баъзи гуноҳларини бу дунё ва охиратда яширади.

Росулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар:

"Қиёмат кунда бир одам олиб келинади ва қўрқувнинг даҳшатидан унинг тиззалари қалтираётган бўлади. Унинг амаллар китоби олдига қўйилади. У қандай амалларни бажарганини билади ва жуда кўп гуноҳларини китобда топади. Бироқ у баъзи оғир гуноҳлари тушуриб қолдирилганини ҳам кўради. Шунинг учун ҳам у Аллоҳга дейди:

Эй Аллоҳ баъзи гуноҳларим ҳам борки, мен уларни бу ерда кўрмаяпман".

Аллоҳ таоло дейди: **"Эй Бандам, мен уларни ҳаёти дунёда сен учун беркитганман, шу сабабли бугун ҳам сен учун беркитаман"**.

Мўмин киши ўз гуноҳини яширса, Аллоҳ ҳам унинг гуноҳини яширади. Шунинг учун агар хато ёки гуноҳ содир этсанг, Аллоҳга тавба қил, ундан истиғфор сўра ва йўлингда давом эт. Агар банда холис тавба қилса, Аллоҳ ҳар қандай гуноҳни ўчириши мумкин.

9-ваъда: Мўминлар учун муҳаббат

Аллоҳ таоло шундай дейди:

“Албатта иймон келтириб яхши амаллар қилган зотлар учун Раҳмон дўстликни (барқарор) қилур”. (Марям:96)

Муфассирлар бу оятнинг тафсирида шундай деганлар: "Агар сен қалбингни Аллоҳга яқин қилсанг, Аллоҳ ҳам мўминларнинг қалбини сен учун яқин қилиб қўяди.

Шу мазмундаги бошқа бир ҳадисда: “Ким Аллоҳнинг розилигини истаб одамларнинг ғазабини келтирса, Аллоҳ унга Ўзини розилигини ва одамларнинг розилигини ато этади. Аммо кимда ким одамларнинг розилигини истаб Аллоҳнинг ғазабини келтирса, Аллоҳ бундай кимсаларга Ўзининг ва одамларнинг ғазабини келтириб қўяди”.

Мана бу мўминларнинг қалби бизга нисбатан муҳаббатда бўлиши учун, биз орзу қилишимиз керак бўлган нарса. Шунинг учун Аллоҳни севинглар, ва Аллоҳ ҳам Ўз бандаларини сизни севадиган қилиб қўяди.

Бу муҳаббат фақатгина ихлосли мўминлардагина бўлади. Буни Кофирлар ва ихлоссиз мусулмонлардан кутмаслик керак.

10-ваъда: Ҳеч бир амаллари зое қилинмайди

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар эса, шак-шубҳасиз - Биз (улар каби) чиройли амаллар қилган кишиларнинг ажр-мукофотини зое қилмасмиз". (Каҳф: 30)

Баъзан вақтингиз бекорга сарф бўлаётгандек туюлади. Мисол учун, даъват қиляпсизу, ҳеч ким қулоқ осмаяпти, ёки сиз даъват қилаётган одамларда бирор ўзгариш кўринмаяпти. Шунини билишингиз лозимки, сизнинг мукофотингиз Аллоҳ ҳузурида ва ҳеч бир ҳаракатингиз зое кетмайди. Чунки муваффақият рақамларда эмас. Росулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар:

"Осмонга кўтарилганимда менга халқлар намойиш этилди. Бир пайғамбарни ўн киши билан, бир пайғамбарни беш киши билан, (бошқа) пайғамбарни бир ёки икки киши билан кўрдим. Бир пайғамбарнинг ёнида эса ҳеч ким йўқ эди".

Шундай бўлсада бу Пайғамбарлар ютқазмадилар, балки нубувватни инкор қилганлар ютқазиди. Шундай қилиб Аллоҳ сизга бажарганингиздан ортиқроқ қилиб қайтаради.

11-ваъда: Шайтондан паноҳ

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Албатта, иймон келтирган ва ёлғиз Роббиларига таваккул қиладиган зотлар устида (шайтон) учун ҳеч қандай салтанат - ҳукмронлик йўқдир". (Наҳл: 99)

Сен Аллоҳга суянгин, шунда Аллоҳ ҳам сени шайтондан ҳимоя қилади.

Иблис - шайтон - ғоят моҳир. У биздан кўра кучлироқ. Биз Аллоҳнинг ёрдамисиз уни енголмаймиз. Аллоҳ эса бизга шайтонни енгишимиз учун кўплаб турдаги қуролларни ато этган. Мўмин киши Аллоҳ унга берган ана шу қуроллардан фойдаланади. Мисол учун ухлаш олдидан ва бошқа пайтларда ўқиладиган Оят ал-курсий, таъаввуз ("Аъзубиллаҳ"), кундалик эрталабки ва кечки зикрлар, ҳожатхонага киришдан олдин ўқиладиган дуо ва шу кабиларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг мўминларга жинлар ҳамда инсонлардан иборат бўлган шайтонларга қарши ҳимояланишлари учун берган қуролларидир.

12-ваъда: Сабот ҳамда матонат

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Аллоҳ иймон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, охирада ҳам устивор Сўз (иймон калимаси) билан собитқадам қилур. Золимларни эса Аллоҳ (ҳақ) йўлдан оздирур. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилур". (Иброҳим: 27)

Аллоҳ сенга собитқадамлик ато этади. Чунки сен келажакда бўладиган қийинчиликларни енгиб ўтиш учун бунга муҳтожсан. Агар мўмин бўлсанг, сени кутаётган имтиҳонларни уддалай олмайсан. Сен собитқадамликка ҳам муҳтожсан. Ҳозир ҳақ йўлда туриш осон. Лекин унда йилларча оғишмай тура олармиканмиз?! Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда доим ушбу дуони такрорлардилар: **"Эй қалбларни буриб қўювчи зот, қалбларимизни ўз динингда барқарор-собит қил".**

Қалб ўзгарувчан бўлади. Ҳаттоки қалб сўзи араб тилида "бурилиш", "айланиш" маъносини англатувчи "тақоллаба" сўзидан келиб чиққан. Аллоҳ таоло барчамизнинг қалбларимизни ўз динида барқарор-собит қилсин! Амийн!

13-ваъда: Гўзал оқибат

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар учун хушнудлик ва гўзал оқибат — жаннат бордир". (Раъд: 29)

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломнинг ўз қавмига айтган сўзларини зикр қилиб шундай дейди:

"(Фиръавннинг сўзларидан даҳшатга тушиб кетганларида,) Мусо қавмига деди: "Аллоҳдан мадад тилаб, сабр-тоқат қилингиз! Бу ер шак-шубҳасиз Аллоҳникидир. Уни Ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат-натижа эса тақводорларники (Аллоҳдан қўрққанларники) бўлур". (Аъроф: 128)

Аллоҳ мўминларга хайрли оқибатни ваъда қилмоқда. Ҳозир бошингиздан ўтаётган барча қийинчиликлар учун қайғурманг. Чунки бахтли якун мўминлар учундир.

14-ваъда: Аллоҳ мўминларга нажот беради

"Сўнгра (яъни қиёмат келиб, азоб нозил бўлгач), пайғамбарларимиз ва иймон келтирган зотларга нажот берурмиз. Шундай қилиб, (охир-оқибатда) иймон келтирган зотларга нажот бериш Бизнинг зиммамиздаги бурч бўлди". (Юнус: 103)

Юнус алайҳиссалом уч қават зулматдан иборат бўлган баҳайбат балиқнинг ошқозони ичига тушиб қолгандилар. Булар балиқ қорнидаги зулмат, тун зулмати ва уммоннинг зулмати эди. Шунга қарамай у киши Аллоҳга шундай дея илтижо қилдилар:

"Ҳеч илоҳ йўқ, магар Ўзинг бордирсан, Сен покдирсан, дарҳақиқат мен золимлардан бўлиб қолдим..." (Анбиё: 87)

Аллоҳ таоло ҳам у кишининг дуосини уч қават зулмат қаъридан эшитди ва ижобат қилди. Аллоҳ таоло бу ҳақида шундай дейди:

"Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилдик ва уни ғам-ғуссадан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берурмиз". (Анбиё: 88)

15-ваъда: Ҳидоят

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Албатта, иймон келтирганлар ва яхши амаллар қилганларни Роббилари иймонлари сабабли ҳидоятга бошлайдир. Наим жаннатларида остларидан анҳорлар оқиб турадир". (Юнус: 9)

Биз учун энг муҳим ва керакли бўлган нарса айни шудир. Чунки биз мўминмиз дегани, ҳидоятга муҳтож эмаслигимизни

англатмайди. Биз ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқасида ҳидоятга муҳтожмиз. Энг кўп такрорланадиган ушбу дуони ҳам Фотиҳа сурасида қиламиз:

"Бизларни, ғазабга дучор бўлмаган ва ҳақ йўлдан тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг бўлмиш — Тўғри йўлга йўллагайсан". (Фотиҳа: 6-7)

Шу сабабдан ҳам Аллоҳ мўминларни иймонлари тўғри йўлга йўллайди. Биз Аллоҳнинг ҳидояти ва тавфиқисиз ҳаёт кечира олмаймиз.

16-ваъда: Баракот

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Агар у қишлоқларнинг (жойнинг) аҳли иймон келтириб, тақводор бўлганларида эди, албатта Биз уларга осмону ердан баракот (дарвозаларини) очиб қўйган бўлур эдик. Лекин улар (пайғамбарларимизни) ёлғончи қилдилар, бас, уларни ўзлари қилган гуноҳлари сабабли ушладик". (Аъроф: 96)

Биз Аллоҳ ва Унинг Росулига бу дунёдаги эмас балки охиратдаги бахт-саодат учун иймон келтирмоғимиз лозим. Бироқ Аллоҳ баъзи пайтларда бу умматни саодатманд қилади. Бундай пайтларнинг кўпчилиги қисми аллақачон орда

қолди, баъзи қисмлари эса энди келади. Масалан Исо алайҳиссалом тушганларида.

Гуноҳларнинг ҳам баракотга таъсири бор. Кишининг гуноҳлари уни ҳаётидаги кўплаб баракотлардан маҳрум қилади. Ер шаридаги кўпчилик махлуқотлар гуноҳ қилса, баракот кўтарилади. Бироқ иймон ва тақво бор жойда баракот ҳам бўлади. Исо алайҳиссалом замонлари шундай баракотли замон бўлади.

17-ваъда: Хотиржамлик

Аллоҳ таъоло шундай дейди:

"Иймон келтирган, ўз иймонларини зулм (ширк) билан аралаштирмаган зотлар — ана ўшалар хотиржам бўлгувчидирлар ва ўшалар ҳидоят топгувчидирлар".

(Анъом: 82)

Хотиржамликни фақат Аллоҳгина ато эта олади. Инсонлар ўзларида қалбга хотиржамликни олиб киришнинг ечими мавжуд эканлигини даъво қиладилар, Лекин ёлғиз Аллоҳгина бунга қодир. Бундай хотиржамлик турли кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларидаги Бадр жангида 300 кишидан иборат бўлган мусулмонлар қўшини 1000 кишилик кучли армия билан

юзлашган эдилар. Бундай пайтда сон жиҳатдан устун бўлсангиз ҳам хавотир мавжуд бўлади. Лекин Аллоҳ ўша вақтда мусулмонларнинг қалбларига сакинат (осойишталик) туширди ва уларни салқинлатиш ҳамда қадамларини собит қилиш учун ёмғир юборди. Кейин эса ажабтовур нарса юз берди. Улар мудроқ-уйқуга чўмдилар. Аллоҳ таоло бу ҳақида шундай дейди:

"Қачонки У зот сизни уйқу билан ўраб қўйганида".

Абдуллоҳ ибн Саъид (розияллоҳу анҳу) шундай дейдилар:

"Жанг пайтидаги мудроқ-уйқу Аллоҳдан, намоз пайтидагиси эса Шайтондандир".

Шундай қилиб саҳобалар рўпараларида турган ўлим билан юзлашаётган бўлсаларда, уларни уйқу қамраб оларди. Уларга Аллоҳ томонидан туширилган хотиржамликка назар солинг ва уни тасаввур қилинг. Бу шундай нарсаки фақат Аллоҳ томонидан берилиши мумкин. Ҳеч бир таълим, тайёргарлик ва ҳоказолар бунга тайёрлай олмайди. Бу тухфа Аллоҳ тарафидандир.

18-ваъда: Мағфират

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Аллоҳ иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун мағфират ва улуғ ажр бўлишини ваъда қилди". (Моида: 9)

Ҳар битта инсон Аллоҳнинг мағфиратига эҳтиёжманд. Аллоҳнинг сифатларидан бири ҳам Унинг энг Мағфиратли Зот эканлигидир. Шунинг учун ҳам агар мўминлар тавба қилсалар ва У зотдан мағфират сўрасалар, Аллоҳ уларни афв этади.

Чунки Аллоҳ таоло бу ҳақида шундай дейди:

"(Эй Мухаммад), Менинг ўз жонларига жиноят қилган (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) бандаларимга айтинг: "Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир". (Зумар: 53)

19-ваъда: Ажр-мукофотлари комил суратда берилади

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"(Аллоҳ) иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга эса ажрларини комил суратда берур. Аллоҳ зулм қилгувчиларни севмайди". (Оли Имрон: 57)

Аллоҳ сизни бажарган ҳар бир солиҳ амалингиз учун мукофотлайди. Ҳеч нарса зое бўлмайди.

"Эҳсон-яхшилиқнинг жазоси-мукофоти фақат яхшилиқдир". (Ар-Раҳмон: 60)

20-ваъда: Хавф-хатар ва қайғу-ҳасратлар бўлмайди

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Албатта иймон келтирган, яхши амаллар қилган ва намозни тўқис адо қилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида ажрбор. Улар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар". (Бақара: 277)

Ўтган уламолардан Изз ибн Абдуссалом бир куни Тоғутнинг олдига талабалари билан бирга борди. Аввалига У тоғут билан юмшоқ оҳангда гаплаша бошлади, лекин кейинроқ овозининг оҳанги кучайгандан кучайди ва тобора шиддатли бўла борди ҳамда ҳатто у тоғутга қарата йўналтира бошлади. Унинг шогирдлари ёпинчиқлари билан ёпина бошладилар. Чунки улар тоғут билан бундай тарзда

гаплашаётгани сабабли қилич унинг бошини узиб ташлайди деб ҳар лаҳза кутардилар.

Тоғутнинг ёнидан чиққанларида талабалар ундан сўрадилар: "Нима қилиб қўйдингиз? Қандай қилиб у билан бундай тарзда гаплаша олдингиз?"

У жавоб берди: **"Аллоҳнинг буюклигини кўз олдимга келтирганимда, рўпарамдаги тоғут мушукдан ҳам кичкина бўлиб туюлди"**.

Бу ҳолат биз нарсаларга бошқача нуқтаи назар билан қараганимизда юз беради.

Мўъмин сифатида сизда қўрқинч уйғотувчи вазиятларга дуч келишингиз мумкин. Чунки қўрқув инсоннинг табиий фитрати. Бироқ шундай бўлсада қачон иймон қалбга ўрнашса, шунда қўрқув ҳам йўқолиб боради.

Шундай қилиб сиз табиий қўрқув ҳиссиётига дуч келишингиз мумкин, лекин иймонингиз орқали уни енгиб ўтасиз.

21-ваъда: Аллоҳ мўминларни қоронғу зулматдан нурга олиб чиқади

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Аллоҳ мўминларнинг дўстидир. Уларни қоронғу зулматлардан ёруғлик — нурга чиқаради.

Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар кофирларни ёруғлик-нурдан қоронғу-зулмат ларга чиқарадилар. Ана ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар". (Бақара: 257)

Аллоҳ мўминларни кўфр, шубҳа ва иккиланишлар зулматидан аниқ, равшан ва иккиланишга ҳожат қолдирмайдиган даражада тўғри Ислом нурига олиб чиқади. Киши Ислом нурига муяссар қилинганида, Аллоҳ таоло унга яхшилик билан ёмонлик, тўғри билан эгри, ҳақиқат билан ёлғоннинг орасини фарқлаш қобилиятини ҳам ато этади. Бундай киши Аллоҳнинг хоҳиш-иродасига мувофиқ ҳаёт кечиради. Чунки Аллоҳ унга ҳақиқий мақсад ва бу ҳаётнинг асл моҳиятини тушунишнинг имкониятини берган. Шунинг учун бундай киши ўткинчи, оний ва яқинда тугайдиган бу дунёдан кўра, абадий ҳисобланадиган нариги дунёни (охиратдаги ҳаётини) афзал деб билади.

Қалблари зулматга чулғанган кимсалар эса буни тушунмайдилар. Шунинг учун ҳам улар умрларини куфр ва маъсиятда ўтказадилар.

22-ваъда: Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай.

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай". (Нисо: 141)

Росулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу ҳадисни зикр қилганлар:

"Ислом доимо олийдир, ҳеч нарса ундан юқори бўлолмайдир".

Бунинг маъноси шуки ҳеч бир нарса Исломдан устун бўла олмайди. Шунинг учун агар биз воқеъликда буни кўрмай, кофирларнинг мўминлар устидан қўли баланд келаётганини кўрсак Аллоҳнинг ваъдасига эмас, балки ўзимиз ҳамда иймонимизни саволга тутмоқлигимиз лозим. Бизнинг ҳаракатимиз ҳақиқий мўминлар кабими, ёки йўқми?

23-ваъда: Ҳимоят

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Албатта Аллоҳ иймон келтирган зотларни мудофаа қилур. Албатта Аллоҳ барча хоин ва куфрони неъмат қилгувчиларни суймас". (Ҳаж: 38)

Аллоҳ мўминларни ҳимоя қилади. Агар сен мўмин бўлсанг, Аллоҳ сени ҳимоялайди. Бу Аллоҳнинг ваъдаси. Кимдадир шундай бўлмаса, демак бу унинг иймонида қандайдир нуқсон борлигини англатади.

24-ваъда: Пок-тоййиб ҳаёт

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Эркакми ё аёлми — кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз". (Наҳл: 97)

Мўминларнинг ҳаёти жуда ҳам яхши. Кўрган нарсангизга алданманг. Баъзан кўрган нарсангиз ҳақиқат бўлмайди. Баъзи пайтларда сиз қўлида дунёси бор бадавлат кофирни кўрасизу, лекин унинг ичида нима кечаётганини кўролмайсиз. Шу каби у ҳам мўминларнинг нимани ҳис этишларини билмайди.

Чунки у буни ҳеч қачон ҳис қилиб кўрмаган. У ўзида мавжуд давлатидан бахт ҳиссини туяди, лекин бундан кўра анча афзалроқ нарса ҳам борлигини билмайди.

Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ шундай деганлар:

"Агар ҳукмдорлар биз қалбларимиз билан туядиган бахт ва роҳатни билганларида, улар ҳузуримизга келиб қиличларининг тиғи билан биздан у нарсани олиб қўйишга ҳаракат қилардилар".

"Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг – бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунда кўр ҳолда тирилтирурмиз" (Тоҳа: 124)

Гарчи бундай фикрда бўлмасангиз ҳам, шунга амин бўлингки, ҳақ устида бўлмаган ҳар қандай киши бахтсиз ҳаёт кечирмоқда.

Мўминлар очиқ тарзда азиятларга дучор бўлаётганлари билан бир пайтнинг ўзида Аллоҳ уларга бу дунёдаги матоҳга сотиб олиб бўлмайдиган туйғуни уларнинг қалбларига жойлаяпти. Аллоҳ мўминлар учраётган қийинчиликлар ва намоён этаётган сабр туфайли уларнинг қалбларига сўз билан ифодалаб бўлмайдиган туйғуни ато этади. Яна шуни такрорлаш лозимки, агар бу туйғуни ҳис қилмаётган бўлсангиз, демак иймонингизда қандайдир нуқсон мавжуд.

25-ваъда: Тамкин

Аллоҳ таоло шундай дейди:

"Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (иймон-эътиқодли) зотларни (ер юзига) халифа-ҳукмрон қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини Маккада кўрган) хавфу-хатарларидан сўнг (Мадинада) тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир".
(Нур: 55)

Росулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар:

"Аллоҳ менга ер юзини кўрсатди ва мен бутун дунёни кўрдим. Мени Умматимнинг Халифалиги ер юзини кўрган жойимгача етиб боради".

Шунинг учун ҳам масала Ислом ғолиб бўладими ёки йўқ-бунда эмас. Бу ваъда қилинган ҳамда содир бўлади. Бироқ биз бунда бирор бир рол ўйнапмизми ёки йўқ - масала ана шунда.

Исломни ҳаётга қайтарган гуруҳ саҳобаларга энг кўп ўхшайдиган бўлишади.

Чунки саҳобалардан кейинги муслмон авлоди доимо ислом ҳукми остида яшаганлар. Ҳозир эса муслмонларда саҳобалар амалга оширган ишлар яъни Ислом ва Ислом шариъатини ўрнатиш ишини амалга ошириш учун қўлай имконият мавжуд.

Росуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна бошқа бир ҳадисларида шундай деганлар:

"Мен биродарларим билан кўришиш иштиёқидаман. Саҳобалар сўрашди: "Бизлар сизнинг биродарларингиз эмасми э Росуллоҳ? Росуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: "Йўқ. Сизлар менинг асҳобларимсиз. Биродарларим эса замон охирида келадилар ва ҳар бирлари мени кўришни орзу қиладилар. Ҳаттоки бунинг баҳоси уларнинг моллари ва аҳли оилалари бўлса ҳам".

Бунинг маъноси шуки, Росуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ни бир бора кўриш улар учун бу дунёдаги ҳар қандай нарсадан афзал ҳисобланади.

Шунинг учун бундай инсонлар Росуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биродарлари сифатида айтиб ўтган Исломни ҳаётга қайтарувчи кишилар бўлишади. Улар Аллоҳ ва Унинг Росулига кучли муҳаббатлари, Аллоҳнинг буйруқларига итоат этишлари ҳамда суннатга эргашишлари сабабли бу шарафга муяссар бўладилар.

Sodiqlar-1434